



Бухоро вилоят статистика бошқармаси


2018 йилнинг январь – декабрь ойларида

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Бухоро вилоятида ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 3231,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сурати 107,3 % ни ташкил этиб, ўтган ойга нисбатан 3,6 фоизга ошди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 563,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 61,0% ни ташкил қилди. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 1292,8 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 126,1 %) ҳамда норасмий сектор бўйича 1374,7 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 132,1% ни ташкил этди.


**2018 йил январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг
тури бўйича қурилиш ишлари таркиби**
жамига нисбатан %да




Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жами қурилиш ишларининг ҳажмида йирик корхона ва ташкилотларнинг улуши 14,5 фоизга камайган, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 4,7 фоизга, норасмий сектор улуши 9,8 фоизга ошган.

Умумий ҳажмда қурилиш ишларининг тури бўйича тақсимооти

2018 йил январь – декабрь
(жамига нисбатан фоизда)



2017 йил январ – декабрь
(жамига нисбатан фоизда)



-  янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта қурулантириш
-  капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари


Қурилиш ишларнинг умумий ҳажмидан 62,2 фоизи ёки 2011,0 млрд. сўм – янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта қурулантиришга (ўтган йилнинг мос даврида 58,5 фоиз ёки 1488,7 млрд. сўм), 37,8 фоизи ёки 1220,0 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 41,5 фоизи ёки 1055,0 млрд. сўм) – капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Кичик корхона ва микрофирмалар ижтимоий соҳа объектларини (мактаблар, коллежлар, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш объектлар ва бошқалар) қуришда, намунали ҳамда арзонлаштирилган ва сотиш учун мўлжалланган турар жойларни қуришда, автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларида қатнашмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бино ва ишоотларни қурилишига 2279,5 млрд. сўм, қурилиш ишларининг умумий ҳажмга улуши 70,6 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 1639,6 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 64,5 фоиз) фуқаролик объектларини қурилишига 426,9 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 13,2 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 346,9 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 13,6 фоиз) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми 524,6 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 16,2 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 557,2 млрд. сўм, умумий ҳажмга нисбатан улуши 21,9 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари таркиби (млрд.сўм)




Иктисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 6,1 % пунктга кўпайди.


Фукаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,4 фоизга камайган.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 5,7% пунктга камайди.

Иктисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби
жамига нисбатан фоизда

январь-декабрь 2018 йил







Мулкчилик шакли бўйича.

Нодавлат мулкчилиги билан қурилиш корхоналари томонидан 3058,5 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилган, ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 111,1 фоизни ташкил қилган. Умумий ҳажмга нисбатан улуши 94,7 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоизга кўпайган.

Мулкчилик шакли бўйича қурилиш ишлари таркиби (жамига нисбатан фоизда)



Худудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми



Қурилиш ишлари ҳажми ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, вилоятда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида кўпроқ Бухоро шаҳри (қурилиш ишлари ҳажми 634,1 млрд. сўм, вилоятдаги улуши 19,7%), Қоровулбозор (қурилиш ишлари ҳажми 298,3 млрд. сўм, вилоятдаги улуши 9,2%), Ғиждувон (қурилиш ишлари ҳажми 294,8 млрд. сўм, вилоятдаги улуши 9,1%) ва Ромитан (қурилиш ишлари ҳажми 290,6 млрд. сўм, вилоятдаги улуши 9,0 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига қурилиш ишлари

	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Ўсиш суръати, %
Бухоро вилояти	1714,2	105,8
Бухоро шаҳри	2287,5	103,7
Когон шаҳри	2110,9	101,7
Олот тумани	2887,0	100,8
Бухоро тумани	1636,9	121,8
Вобкент тумани	1024,3	144,0
Ғиждувон тумани	977,5	98,9
Когон тумани	3209,8	102,3
Қорақўл тумани	1020,7	115,4
Қоровулбозор тумани	16664,8	78,4
Пешк тумани	1239,3	111,1
Ромитан тумани	2113,5	113,4
Жондор тумани	861,9	100,4
Шофиркон тумани	1188,1	155,8

Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Қоровулбозор туманига (16664,8 минг сўм) тўғри келади.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Шофиркон туманида – 155,8 фоизни, Вобкент туманида – 144,0 фоизни ва Бухоро туманида – 121,8 фоизни ташкил этди.